

Маккада зиёратчиларни бактериялардан ҳимоя қилувчи ақли роботлар ишга туширилди



12:30 / 14.06.2021 1853

Саудия Арабистони зиёратчилар манфаати учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимини такомиллаштиришда давом этмоқда.

Икки муқаддас масжидлар бош бошқармаси ихтиёрида 10 та ақли роботлар ишга туширилган. Уларнинг вазифаси масжидларни стерилизация қилишдан иборат. Бу ҳақда Islam news Saudi Gazette хабарига таяниб хабар беради.

Янги қурилмалар Ҳарам масжиди ҳудудини ва унинг атрофини тозалаш ва зарарсизлантириш учун дастурлаштирилган. Роботлар ҳудуд харитасида ишлайди ва бутун ҳудудга антисептикларни самарали сепиш учун механик

тахлилларни амалга оширади.

Ҳар бир робот инсоннинг аралашувисиз 5 соатдан 7 соатгача ишлай олади ва 600 квадрат метр майдонда бактерияларни йўқ қилиш учун деярли 24 литр антисептикларни сепа олади.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи